O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 54 (9.093) * 1998 йил 11 май, душанба * Сотувда эркин нархда


## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ



*СУРАТДА: сермазмун ўтган учрашувдан лавҳа.*
*С.Зуфаров, Ф.Қурбонбоев сурати (ЎзА).*

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан 5-7 май кунлари давлат ташрифи билан Москвада бўлди.

Ўзбек ва рус халқлари алоқаларининг бошланиши узоқ мозийга бориб тақалади. Тарихий манбаларда XVI асрдаёқ туркистонлик ва русиялик савдогарлар ўртасида савдо-сотиқ кенг ривожлангани қайд этилган. Шундан буён 400 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Замонлар, тузумлар ўзгарган бўлса-да, алоқалар тўхтамади.

1991 йили қизил империя салтанати инқирозга юз тутди. Собиқ иттифоқ тасарруфидаги республикалар мустақилликни қўлга киритгач, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларда муайян узилишлар рўй берди. Аслида бу табиий жараён эди. Бироқ, Россиядаги айрим кучлар янги суверен давлатларга эскича андозадаги қарашларини давом эттирди.

Тўғри, Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти катта. Мамлакат бой хом ашё заҳираларига эга. Лекин ҳеч бир давлат, у қанчалик катта ва қудратли бўлмасин, ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик асосида муносабатлар ўрнатиш йўлини танлади. Мамлакатимиз тарихан қисқа даврда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Натижада, кечагина бизга менсимай қараган, Ўзбекистон бизсиз қаёққа ҳам бора оларди, дея бепарво юрган айрим сиёсатдонлар адашганликларини, Россия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини англаб етди.

Биргина мисол: истиқлолга эришгач, Ўзбекистон ўзининг пахта ва бошқа маҳсулотларини жаҳон нархларида сотишга ўтди. Шунда Россиянинг шўро замонида сувтекинга хом ашё олиб ўрганиб қолган айрим корчалонлари, Ўзбекистон пахтасини бермаса-бермасин, бошқа давлатлардан сотиб олаверамиз қабилидаги гапларни айтди. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмади. Тезда ким ютқазгани аён бўлиб қолди. Чунки, ўзбек пахтаси янада юқорироқ нархларда сотилиб, тағин ҳам кўпроқ мамлакатларга экспорт қилина бошланди.

Россияда эса аҳвол ўзгача тус олди. Кўплаб тўқимачилик комбинатларининг тўхтаб қолиши ишсизликнинг янада кўпайишига, енгил саноат ривожланган ҳудудларда барқарорликнинг издан чиқишигача олиб келди. Аён бўлдики, Россия учун Ўзбекистон керак. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳам чегарасининг ярмини денгиз ва океан ўраб турган, катта имкониятларга эга бўлган Россия билан тенг ҳуқуқлиликка асосланган ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Демак, нуқтаи назарларни, муносабатларни янада ойдинлаштириб олиш, бунинг учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни тағин ҳам мустаҳкамлаш зарур. Президент Ислом Каримовнинг Москвага буюрган бу галги ташрифи ана шу жиҳатлари билан жуда аҳамиятли бўлди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

«Бугун биз оталаримиз ва боболаримиз жасоратлари билан фахрланишга ҳақлимиз. Улар ўзларининг қаҳрамонликлари билан ўша орзиқиб кутилган Ғалаба онларини — иккинчи жаҳон урушидаги ғалабани яқинлаштирдилар. Бу Ғалаба жуда қимматга, миллионлаб кишиларни қурбон бериш ҳисобига эришилди. Фақатгина Ўзбекистоннинг ўзида 400 мингтадан кўпроқ оила ушбу урушда оталари ва фарзандларидан жудо бўлдилар. Шунинг учун уруш майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасини ёд олиш, ҳозир ҳаёт бўлган фахрийларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз», — деб таъкидлади Ислом Каримов Ғалаба кунида фахрийлар билан суҳбатлашар экан.

Мамлакатимиз ҳукумати уруш ногиронлари ва қатнашчилари, фронт орқасида туриб фидойилик кўрсатган меҳнаткашлар тўғрисида доимо ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Президентимизнинг Ғалаба байрами арафасида чиқарган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони ана шу ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди.

9 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Олий Мажлис ва ҳукумат раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари Номаълум аскар қабридаги ёдгорлик мажмуасига келдилар.

Ислом Каримов мангу машъала пойига гулчамбар қўйди, бир дақиқа сукут сақлаб, фашизмга қарши курашда ҳалок бўлганлар хотирасини ёд олди.

Шунингдек, республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, мамлакат жамоат ташкилотлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

* * *

Мана кўп йиллардан бери Тошкентдаги Биродарлик қабри ва Мотамсаро она мажмуасида ҳам иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни хотирлаш анъанага айланиб қолган.

9 май куни иккинчи жаҳон уруши фронтларида ҳалок бўлган Ўзбекистон жангчилари хотирасини ёд олиш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу мажмуага келди.

Давлатимиз раҳбари Мотамсаро она ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйди, бир дақиқа сукут сақлаб фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини ёд олди.

Шунингдек, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов фахрийларни Ғалаба байрами билан қутлади.

Ислом Каримов шу ернинг ўзида журналистларга берган интервьюсида қуйидагиларни таъкидлади:

— Бу кун ҳалок бўлганлар хотираси куни, шу кунларга етиб кетмаганлар хотираси куни, Ғалаба учун ҳамма нарсани қилганлар хотираси куни, биз тинч ва осуда яшаш, улар ишларини давом эттириш учун ҳалок бўлганлар хотираси кунидир.

Энг аввало, биз бу кунни Хотира куни деб номласак тўғри бўларди. Бу кун ҳаётдан кўз юмган, ўз ҳаётини Ғалаба учун тикканлар хотираси куни бўлиши керак.

Шундан кейин, фахрий қоровул саф бўлиб ўтгандан сўнг Президент Ислом Каримовнинг республика ташкилотлари раҳбарлари билан суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари Мотамсаро она ёдгорлиги мажмуасини янада ободонлаштириш юзасидан аниқ кўрсатма ва топшириқлар берди. Президент бу жой иккинчи жаҳон уруши жанг майдонларидан қайтмаган ўзбекистонликларнинг чинакам хотира қўрғонига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуани ободонлаштиришда мамлакатимиз ҳар бир вилоятининг ўзига хос меъморчилик ечимлари ифодаси топиши лозимлигини айтди. Зеро, Хоразм ва Самарқанднинг қуёшли заминида туғилганлар она юртларидан минглаб чақирим узоқда, Россия, Украина ёки Германия ерларида ўз ота ва боболари мамлакати — Ўзбекистонни дилларига жо қилиб жанг қилганлар.

Президентимиз бу байрам анъаналарини давом эттириш, юртимизда у Хотира куни сифатида асрлар узра абадий қолиши лозимлигини уқтирди.

*(Ўз мухбиримиз).*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун кеча Олмаотага жўнаб кетди.
- Юнусобод туманида иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига хизмат кўрсатадиган «Малҳам» шифохонаси иш бошлади.
- Хазорасп туманида барпо этилаётган Хоразм шакар заводини хом ашё билан таъминлаш мақсадида бу йил ушбу вилоятда 8 минг, Қорақалпоғистонда эса 4 минг гектар майдонда лавлаги етиштиришга киришилмоқда.
- Нукус туманининг Шўркўл қишлоғида соатига 10 минг кубометр табиий газни ўрта босимда истеъмолчиларга етказиб берадиган станция ишга туширилди.
- Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ёш фидойилар клуби» ташкил этилди. Олий ўқув юртлари талабаларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат идоралари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу клубга Тошкент университет ва институтларининг студентлари аъзо бўлди.
- Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентдаги Алишер Навоий номли опера ва балет Катта театрини барпо этишда бевосита иштирок этган бир гуруҳ япон фуқаролари Тошкентга келиб, ушбу театр ижодий жамоаси билан учрашдилар.
- Самарқандда «Москванинг ёш рассомлари — Самарқанд аҳолисига» деб номланган болалар суратлари кўргазмаси очилди. Унда Россия пойтахтининг 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёш рассомларининг 60 тадан кўпроқ суратлари намойиш этилмоқда.

### ЖАҲОНДА

- Россиянинг энг машҳур «Известия» газетаси «Ислом Каримовнинг Москвага энг муваффақиятли ташрифи» сарлавҳаси остида мақола чоп этди.
- АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон хоним Вашингтондаги Смитсониан музейлари мажмуасининг Артур Саклер галереясида давом этаётган «Икат: Марказий Осиё нафис ипаклари» коллекцияси кўргазмаси қатнашчиларига самимий табрик йўллади.
- Олмаотада Эрон президенти Муҳаммад Ҳотамий ва Афғонистоннинг қувғиндаги президенти Бурҳониддин Раббоний ўртасида бўлиб ўтган учрашувда Афғонистондаги бугунги вазият муҳокама этилди.
- Қозоғистоннинг янги пойтахти Оқмола шаҳри Остан шаҳри, деб ўзгартирилди. Бунга Оқмоланинг қозоқчада «Оқ қабр» маъносини бериши сабаб қилиб кўрсатилди. Остан эса қозоқчада «пойтахт» маъносини англатади.
- Бугун Вашингтонда АҚШ воситачилигида Яқин Шарқда тинчлик жараёнини давом эттириш бўйича Исроил Бош вазири Бениамин Нетаняху билан Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ўртасида музокаралар бошланади. Маълумки, аввалги ҳафтада улар ўртасида Лондонда бўлиб ўтган музокараларда амалий натижаларга эришилмаган эди.
- Бугун Филиппинда президент сайловлари бўлиб ўтади. Мамлакатдаги вазият ҳисобга олинган ҳолда бу ерда ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари билан бир қаторда қўшинлар ҳам оширилган жанговар ҳолатга келтирилди.
- Кеча собиқ Югославия бўйича алоқа гуруҳининг Сербия президентига Косоводаги қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва албан етакчилари билан музокаралар бошлаш юзасидан билдирилган қатъий талаби муддати тугади. Ушбу алоқа гуруҳига аъзо АҚШ, Европа Иттифоқи ва Россиядан иборат мамлакатлар энди Сербияга иқтисодий жазо чораларини қўллаши кутилмоқда.
- Парагвайда бўлиб ўтган ялпи сайлов дастлабки натижаларига кўра мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Колорадо Роуль Кубос бошчилигидаги ҳукмрон партия вакиллари сайловда қатнашганларнинг кўпчилик овозларини олганлар. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ҳукмрон партия 1947 йилдан бери мамлакатда ҳокимиятга бошчилик қилиб келмоқда.
- Бокуда Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев таваллуд топган куннинг 75 йиллиги кенг байрам қилинди. Озарбайжон раҳбарини ушбу сана билан табриклаш учун шахсан Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе Бокуга келдилар.
- АҚШда биринчи бор атроф-муҳит учун зарарсиз электромобилларнинг Нью-Йорк — Вашингтон йўналиши бўйлаб автоюриши бошланди.
- Лондонда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотираси учун ўрнатиладиган ёдгорликка пойдевор қўйилди. Ушбу ёдгорликни 1999 йил 9 майда очиш мўлжалланмоқда.
- Литвада қиймати немис маркаларида белгиланадиган икки йиллик ташқи заём облигацияларини чиқариш режаланяпти.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

## Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

1998 — Оила йили

### ЯНГИЛАНИШЛАР ЙЎЛИДАН

Туманлар йўқламаси: Акмал ИКРОМОВ

## ТАДБИРКОРНИНГ ОМАДИ ЧОПМОҚДА

***Акмал Икромов туманида Оила йилида оилаларнинг моддий фаровонлиги, ҳуқуқий савияси, маънавий даражасини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширияпти. Бу ҳақда ҳикоя қилишни тумандаги оилаларнинг ҳаётидан бошладик. Зеро, жамиятнинг тараққиёт даражаси оилаларнинг моддий, маънавий ва ҳуқуқий баркамоллиги даражаси билан белгиланади.***

Абдулла Юсуфалиев Акмал Икромов туманида кўпчиликка таниш, у ҳам туман ҳудудини, қаерда кимлар яшашини яхши билади. Чунки бу инсон эсини танибдики, одамлар хизматида. Бировнинг хонадонидаги иситиш қувури ёрилиб кетади, бошқа бировнинг уйида сув тармоғи бузилиб қолади, яна бошқа хонадонга сув тошиб кетади, бари-барисида чилангар-сантехник Абдулла ака ҳозиру нозир. У кирмаган хонадон туманда йўқ ҳисоби. Шу соҳада у оддий ишчидан раҳбар лавозимигача кўтарилди.

Акмал Икромов туманида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тузилдию Абдулла ака ўзи ташкил этган ширкатда тадбиркорликни ушбу палата ёрдамида кенгайтирди. 1996 йил эса ширкат «Аланга — монтаж» махсус қурилиш хусусий фирмасига айланди. Буғунги кунда бу фирма аҳолига сантехника хизматини кўрсатиш билан бирга Фурқат кўчасида бунёд этилаётган маҳалла гузари ҳамда болалар боғчаси қурилишида фаолият кўрсатмоқда.

Фирма директори эса бир пайтнинг ўзида шаҳримизда пайвандлаш ишларида қўлланиладиган махсус электродлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳаракатида. Бунинг учун у Украинанинг Днепропетровск, Россиянинг Новосибирск шаҳарларидаги заводлар билан шартнома тузишга киришди. Гап шундаки, Абдулла Юсуфалиев бу ишга бугунги кунда бизда олиб борилаётган қурилиш-тиклаш ишларида электродларнинг қанчалик зарурлигини, хусусан бир йилда шаҳримизнинг ўзида ўртача тўрт минг тонна электрод сарф бўлишини тушунганидан сўнг киришди. Бундан ташқари бу тадбиркор чорва молларини яйловларда суғоришнинг ўзига хос усулини қўллаш, бунда ёғин-сочинлардан унумли фойдаланиш устида ҳам ишламоқда. Шу билан бир қаторда «Аланга-монтаж» Германиядаги «Хилти» фирмаси билан шартнома тузишга тайёргарлик кўряпти. Ундан кўзланган мақсад авалига сантехника ишларида қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналарнинг ўзини, кейинчалик уларни тайёрлаш технологиясини келтиришдир.

Бугунги кунда Акмал Икромов туманида икки минг уч юздан ортиқ тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кўмагидан кенг фойдаланишаётир. Ушбу тузилмаларнинг аксарияти аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Агар туманда бошқа туманларга нисбатан йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг камлигини ҳисобга олсак, бу ҳолни тушуниш мумкин.

— Инсон фаровон яшаши учун асосий омил албатта меҳнат, — дейди Абдулла Юсуфалиев. — Лекин меҳнатга фақат пул топиш мақсади билан қарамаслик лозим. Инсон ўз ишидан маънавий завқ олиши, бунинг учун унга тадбиркорлик, изланувчанлик, интилувчанлик билан ёндошиши керак, деб ўйлайман. Чунки ижодкорлик одамга хос хислат ва бу хислат барча соҳаларда намойиш этгандагина ҳаётидан мазмун топади. Ҳар қандай ижодкорлик эса ўзгалар фаровонлигини кўзлаши зарур.

Туманда уй-жойлар қурилишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Аҳоли бири-биридан шинам уйларда ҳовли тўйларини ҳурсандчилик билан ўтказмоқда.

*СУРАТЛАРДА: Лутфий кўчасида бунёд этилаётган сертификатли янги уйлар тасвирланган. Бу уйларни «Ўзагроқурилиш» трести бунёдкорлари қуришмоқда.*







## ЁДГОРЛИК ЛАВҲАСИ ОЧИЛДИ

Юнусобод туманидаги «Бодомзор» маҳалласининг шинам чойхонасига ёзилган тўкин дастурхонга ҳам шу маҳаллада истиқомат қилувчи уруш фахрийлари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар таклиф этилди.

Йиғилганларни туман ҳокими Ш. Пахрутдинов Ғалабанинг 53 йиллиги билан қизғин табриклагач, шу маҳалладан II жаҳон урушига жўнаб, ўзга юрт тупроқларида ҳаётдан кўз юмган 22 нафар уруш қатнашчиларининг ёрқин хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маҳалладошлари уларнинг яхши ҳислатлари, одамийлик фазилатларини яна бир карра эсга олишди.

70-мактаб ўқувчилари ижро этган шеър, қўшиқ ва рақслар, Рифатилла Қосимов бошчилигидаги санъаткорлар гуруҳининг мумтоз қўшиқлари кечага файз-тарофат бахш этди.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ.*

## БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Ўзбекистон Республикаси «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси, Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармасининг ташаббуси билан 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида институт боғидаги ёдгорлик олдида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 53 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Йиғилганларга, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, ўқитувчи ва талабаларга 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, профессор Т. О. Даминов эзгу истакларини изҳор этди.

Учрашувда табобат институтини тугатибоқ фронтга кетиб, кўплаб жангчиларни ҳаётга қайтарган профессор Муқаддам Ашрапова сўзга чиқиб, энг яхши тилакларини билдирди.

Бир гуруҳ уруш қатнашчилари байрам дастурхонига таклиф этилдилар, улар бир пиёла чой устида ўзаро суҳбатлашдилар. Ўзбекистон Республикаси «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари М. С. Усмонхўжаев уруш қатнашчиларига совғалар топширди. Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан 20 нафар уруш қатнашчисига 1000 сўмдан пул топширилди.

*Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ.*





«Ҳавас — 98»

## ШАХСИЙ ИБРАТ

Ўтган жума куни «Динамо» теннис кортларида «Ҳавас» турнирининг финал беллашувлари бўлиб ўтди. Дастлаб саккизта гуруҳнинг ҳар бирида учтадан жуфтлик ўзаро куч синашиб ҳар икки рақибини енгган теннисчиларгина чорак финалга йўлланма олишди.

Олтинчи гуруҳдаги баҳслар айниқса ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Бунда ўтган йилги турнир ғолиби Ш. Каримов — З. Рихсиев ҳамда К. Тўлаганов — А. Вяльцев жуфтликлари ўртасидаги кураш кўп нарсани ҳал қилиши аниқ эди. Ишқибозларнинг тинимсиз қарсаклари остида ўтган шиддатли ва муросасиз баҳс К. Тўлаганов — А. Вяльцевларнинг 6/4 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Ушбу жуфтлик иккинчи ўйинда А. Мардиев — С. Дьяченколарни 6/3 ҳисобида енгиб чорак финалга йўлланма олди. Тўртинчи гуруҳда М. Усмонов — Ф. Ғуломовлар жуфтлиги ҳар икки рақибини 6/0 ҳисобида енгган бўлса, учинчи гуруҳда Қ. Ҳаққулов — Р. Сулаймоновлар ҳам худди шундай натижага эришишди.

Ўз рақибларидан 6/2, 6/1 ҳисобида устун келган М. Усмонов ва Ф. Ғуломовлар, К. Тўлаганов — А. Вяльцевни 6/3, А. Носиров — Т. Сагитовни 6/2 ҳисобида енгган В. Отаев ва Ҳ. Икромовлар ниҳоят турнирнинг энг моҳир теннисчилари сифатида финал беллашувида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ҳал қилувчи баҳс ҳам жуда қизиқарли ўтди. Кўп вазиятларда рақиблар кортда худди профессионал спортчилар каби ажойиб маҳорат кўрсатишди. Дастлабки гейм Отаев — Икромовлар ютуғи билан бошланган бўлса-да шундан кейин М. Усмонов — Ф. Ғуломов жуфтлиги суръатни асло бўшаштирмади ва натижада 6/2 ҳисобида ғалаба қозониб, «Ҳавас-98» турнирининг ғолиби деган фахрий номга сазовор бўлишди.

Кортга йиғилган кўп сонли ишқибозлар ва мутахассисларнинг олқишлари остида Ўзбекистон теннис федерацияси раиси Р. Иноятов, Республика теннис федерациясининг вице-президенти Г. Дашевскийлар «Ҳавас» турнири ғолибларига махсус кубокларни топширишди. Сўнг бир нечта рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам тақдим этилди. Жумладан, Н. Шутов — О. Фармоновлар «Ғалабага бўлган интилиши учун» соврини билан, К. Тўлаганов — А. Вяльцевлар «Ишқибозлар хуш кўрган жуфтлик», З. Файзиев — Ш. Нажимовлар «Энг хушбичим жамоага», А. Носиров — Т. Сагитовлар — «Чиройли ва юксак техникага асосланган ўйини учун», Р. Азимов ва Ш. Толиповлар эса «Олижаноб ўйини учун» совринлари билан тақдирланишди. Бундан ташқари финал босқичининг барча қатнашчиларига «Ҳавас» кубогининг эсдалик нусхалари топширилди. Бу мусобақада иштирок этган раҳбар ходимлар спортга, хусусан теннисга ҳаммада қизиқиш уйғотишда шахсий ибрат кўрсатдилар.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*СУРАТЛАРДА: икки кун давом этган «Ҳавас» теннис турнири мусобақалари қизиқарли ўтди. Ушбу суратларда турнирнинг тантанали ёпилиш лаҳзалари тасвирланган.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

Футбол

## ДУРАНГЛАР ПАНД БЕРДИ

Ўтган шанба куни футбол бўйича республика чемпионатининг олий лига жамоалари тўққизинчи тур учрашувларини ўтказишди. Турнир карвонбошиси «Пахтакор» Урганчда «Хоразм» командаси билан беллашди. Ҳар икки жамоа ҳужумчиларининг саъй-ҳаракатларига қарамасдан ушбу ўйинда ҳисоб очилмади. Бу «Пахтакор»нинг қаторасига иккинчи дуранги эди.

«Трактор» жамоаси ўз майдонида «Дўстлик»ни 1:0 ҳисобида енгиб жадвалдаги ўз мавқеини бироз мустаҳкамлаб олди. Ҳозир «Трактор» ўн иккинчи ўринда бормоқда. МҲСКга омад яна кулиб боқмади. Бу гал армиячилар ўз майдонларида «Андижон»га 3:0 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Кейинги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказаётган «Сўғдиёна» бу гал ҳам шиддатни қўлдан бой бермади. «Сўғдиёна» футболчилари Жиззахда «Зарафшон»ни 3:1 ҳисобида енгган ҳолда 21 очко жамғардилар ва биринчи ўринга чиқиб олдилар. Қўқонда «Темирйўлчи» билан 1:1 ҳисобида ўйнаган «Навбаҳор» 19 очко тўплаган ҳолда учинчи ўринда бормоқда.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Сурхон» — «Металлург» — 4:0, «Бухоро» — «Косонсой» — 4:1, «Нефтчи» — «Насаф» — 1:1.

«Сўғдиёна» ҳужумчиси А. Жданов етти тўп билан сермаҳсул ўйинчилар сафини бошқармоқда.

*Даврон НУРМАТОВ.*



*Қани энди мен ҳам космосга учсам...*
*Равиль Альбеков олган сурат лавҳа.*

Табассум

### ЭГРИ СЎЗГА — ЭГРИ ТАЁҚ

Трамвайда кетаётган йўловчи йигит келишган аёлга суқ билан узоқ тикилди, кейин унинг тиззасида ўтирган боласининг сочларини силаб, деди:

— Намунча ширин қиз экан!

— Амакижониси, бу қиз эмас, ўғил бола.

— Сочлари қўнғироқ, лаблари юпқа, бурни бежирим, юзлари оппоқ, кўзлари қоп-қора, киприклари узун ва қайрилган эканига қиз болами дебман.

Бу таъриф ўзига тегишли эканини англаган она:

— Қаранг-а, шундай белгилар сизда ҳам бор экан, биз манзилга яқинлашиб қолдик, йўл беринг, холажониси, — деди.

### ИЧИ ҚОРА

Бошқаларнинг борини ҳам, йўғини ҳам кўра олмайдиган ўта бахил киши дўстини учратиб деди:

— Жарроҳлар операция қилиб кўричагимни олиб ташлашди.

— Бу яхши, шу баҳонада биратўла иккинчи дарддан ҳам халос бўла қолмадингми? — Қанақа иккинчи дард?

— Ички аъзоларингни ювиб ташласа, яхши бўлар эди.

— Нима сабабдан?

— Ҳамкасбларинг ҳам, дўстларинг ҳам сени «ичи қора» дейишади.

### БЮЛЛЕТЕНЛИ КЎЗ

Кўз шифокори ҳузурига кирган навбатдаги бемордан сўради:

— Анкетангиз қани?

— Туйнук олдида одам кўп бўлгани учун олмадим.

— Ўзи борми?

— Ўттиз беш йилдан бери шу поликлиникага чиқаман, анкетам катта китоб бўлиб кетган. Дўхтир болам, олдин кўринг, кўзим дорилими, дорисизми? Агар дорили бўлса, олиб чиқаман.

Кўзни текширган шифокор:

— Анкетани олиб чиқасиз, бемор, кўзингиз фақат дорилигина эмас, «бюллетен»ли ҳам экан, — деди.

### ШУЛАРНИНГ ЎЗИ ЕТАДИ

Чойхонадан қайтаётган икки қадрдон қўшни орасида суҳбат бошланди:

— Мамасидиқ, анча йилдан бери қўй боқасиз-а?

— Ҳа.

— Майда қўйдан фойда кам, ундан кўра икки-учта бузоқ боқинг.

— Бузоқлар катта бўлса нима бўлади?

— Буқа ёки ҳўкиз.

Ундай бўлса, менга тўғри келмас экан.

— Нега?

— Уй юмушларига қарашмайдиган, қўлини совуқ сувга урмайдиган иккита дангаса ўғлим бор, битта ҳовлига шуларнинг ўзи етади.

*Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.*

Маслаҳатлар

## УЙ БЕКАЛАРИГА

● Янги сўйилган, сифатли гўштда микроблар кўп бўлади. Шунинг учун ҳам гўшт бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турмаслиги керак.

● Гўштли суюқ овқатни қанча қайнатиш гўштнинг умумий миқдорига эмас, балки гўшт бўлакларининг катта-кичиклигига ва гўшт тўқималарининг тузилиш хусусиятларига боғлиқ. Майда тўғралган гўшт тез пишади.

● Гўштли шўрванинг тиниқлиги унинг асосий сифатларидан ҳисобланади. Шўрва иситилаётганида ҳам тиниқлигича қолиши учун уни паст оловда иситиш ва қайнаб чиқиши биланоқ оловдан олиш керак. Шўрвани иситганда қозон қопқоғининг бир четини буғ чиқиб кета оладиган даражада очиқ қолдириш керак, шунда шўрва хира тортмайди.

● Қиймада микроблар жуда тез кўпаяди. Шу сабабли қиймани ишлатиш олдидангина тайёрланг.

● Қайнатиб пиширилган (яхна) гўшт мазали ва ширадор бўлсин десангиз гўштни қайнаб турган сувга солинг. Бу ҳолда шўрвага гўштнинг мазаси камроқ чиқади.

● Хом гўштни совуққа қўйишдан олдин қоғозини ёки целлофанини олиб ташланг, сўнгра гўштни сопол ёки эмаль қопланган идишга солиб, устига қоғоз ёки дока ёпиб қўйинг.

● Яхлаган гўштни яхидан тушириш учун кастрюлькага солиб, етарли уй ҳароратида сақланг аммо илиқ жойга қўйманг, устидан сув қуйманг, акс ҳолда мазаси кетади ва тўйимлилиги йўқолади.

*Дилноза ҒИЁС қизи тайёрлади.*

«02»

## ҚИММАТГА ТУШГАН САЙР

***Чилонзор даҳасида хизмат вазифасини ўтаб юрган Давлат автомобиль назоратчиси бошқармаси ходимлари олдига бир киши шошганча ҳаллослаб келиб «Битласи машинамни миниб қочди. Ёрдам берсангизлар...» — деди.***

Катта нозир, милиция катта лейтенанти Авазбек Ҳакимов бўлган воқеани суриштириб, вазиятни билгач, ўғирланган «Тико» кетига тушди. Бирпасдан кейин алоқа орқали «Тико»нинг Ал-Хоразмий ҳайкали ёнидан ўтиб кетганлиги тўғрисида хабар қилишди. Милиция сержантлари Дониёр Рихситиллаев, Ботир Нарзуллаев, Дилшод Қосимовларнинг экипажи ҳам ўғрининг кетига тушишди ва ниҳоят Авазбек машинанинг катта тезликда ўтиб кетаётганлигини кўриб қолди. Унинг қайси кўчада ва қайси томонга қараб ҳаракат қилаётганини бошқа нозирларга ҳам хабар қилди. «Тико» енгил ва чопқир эмасми, ҳадеганда еттирмади. Устига-устак йўлнинг у чеккасидан бу чеккасига чиқиб авария ҳолатини юзага келтирарди. ДАН ходимлари унга тўхташ ҳақида бир неча бор ишора қилишди. Аммо ҳайдовчи тўхташни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, қочишда давом этди. Ниҳоят автомашина йўл четига қисиб тўхтатилди. Ҳайдовчи ўта маст ҳолатда бўлиб, машина тўхтагач қочиб кетишга уринди. Бироқ оёқлари унга бўйсунмади. Мажоли келмай таслим бўлди. Шу тариқа ДАН ходимлари рўй бериши мумкин бўлган бир ёмон фожианинг олдини олишди.

Шу ўринда машина эгаси В. Вадимга ҳам эътироз билдириш мумкин. Вадим тунги соат 2.00 ларда маст ҳолатда кишининг қўл кўтарганини кўргач уни тирикчилик учун пул ишлаш мақсадида машинага ўтқазганди. Йўлда қайсидир қаҳвахона олдидан ўтиб кетаётганларида мижоз Р. Собир чиройли қизларни кўргач ҳайдовчига қарата «Мана бу пулни олинг. Қизларни кўндиринг, ўзим борсам бўларди-ю кайфим бор. Ишнинг белига тепиши мумкин», дейди.

Вадим катта пулни кўргач Собирнинг қўлидаги пулни олиб ҳожатбарорлик йўлига кириб кетди. Собирнинг кимлигини ва дилидаги ниятини билмасдан туриб, машина калитини ҳам қолдириб кетди. Олдиндан ўйлаган режаси амалга ошган Собир Вадим узоқлашгач «тойчоқ»ни миниб қочади.

Шу куни хизмат вазифасини аъло даражада ўтаган нозирларга бошқарма бошлиғининг миннатдорчилиги ўқиб эшиттирилди. Автоулов ўғриси Р. Собирга сайр қимматга тушди. Акмал Икромов туман ички ишлар бўлими томонидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ,*
*Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи нозири.*

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши, Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун миллий ва эркин алмаштириладиган валютада кредитлар олиш учун инвестиция таклифлари қабул қилишни давом эттирмоқдалар.**

**Кредитлар олиш шартлари ва маслаҳатларни Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидан олиш мумкин.**

*Манзил: 700015, Тошкент, Госпитальний мавзеси, 12.*
*Телефонлар: 54-04-87, 55-56-33, 135-33-31, 133-27-07.*

### ОЛДИНГИЗДА ИШГА ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИ ТУРИБДИМИ?

**Марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин.**
**А. Икромов тумани «Меҳнат биржаси» 14 май соат 9.00 дан 15.00 гача бўш иш жойлари**
**ЯРМАРКАСИНИ**
**ўтказади.**
**Сиз шаҳримиздаги истаган корхона, ташкилотлардаги мавжуд вакант ўринлари эгаси бўлишингиз мумкин.**
**Ярмарка «Фарҳод» бозори қаршисидаги автомобиллар турар жойи майдончасида ўтказилади.**
**Автобуслар: 2, 8, 13, 41, 77, 116, 125, 182.**
**Трамвай: 4, 9, 17**
**«Фарҳод» бозори бекати.**

### ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан **1998 йилнинг 13 майидан 20 майигача** Табассум, Табибий, Турсунхўжаев, Оҳанграбо, Каримов, Шавкат, Чашма, Тўёна, Истиқбол, Солижонов, Нурафшон, Қўйлиқ, Фарғона йўли кўчаларида истиқомат қилувчи 90/92-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**

«Тадбиркор» кичик корхонасининг тугатилиши бўйича архивга топшириш учун олиб кетилаётган ҳужжатлар 30 апрель куни Фарғона йўли кўчаси бўйича кетаётган хусусий оқ рангли «Жигули» машинасининг орқа ўриндиғида унутилиб қолдирилган. Топган одамдан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Тел: 170-90-97.

*Сидиқ.*

Совутгич-компрессор қурилмалари Бошқармаси очиқ турдаги «ШАРҚ ШАБОДА» акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Банк реквизитлари ўзгаришсиз қолади.

Юнусобод тумани ҳокимлиги туман ҳокимининг ўринбосари В. Б. Латиповга акаси
**Бақо БАҲРАНОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти, кимё-технология факультети, «Физик ва коллоид кимё» кафедраси жамоаси институт ходимаси
**Ёқутхон ЖАББОРОВАнинг**
бевақт вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-08. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.